

Qishloq hayoti

2014 йил Соғлом бола йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2014-YIL 25-SENTYABR, PAYSHANBA, 115 (8352)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.



1 ОКТАБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



Муаттар Норбоева Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи негизидаги умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси.

Иш фаолиятини 17 йил аввал бошлаган муаллимнинг иш тажрибаси 2004 йилда вилоят миқёсида оммалаштирилган. Унинг шогирдлари орасида бугунги кунда ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда муваффақиятга эришиб келаётган ёшлар кўпчилигини ташкил этади.

САҲИФАЛАРДА:

«SAMSUNG» LED
ТЕЛЕВИЗОРЛАРИ
Ўзимизда ишлаб
чиқарилмоқда




ЖАҲОН
БОЗОРИГА
СИФАТ
ТАМОЙИЛИ
БИЛАН

Бунда пахта навини
такомиллаштиришга
қаратилаётган эътибор
муҳим аҳамият касб
этмоқда



МУҲИМ
ТАРБИЯ
МАСКАНИ

Давлатимиз раҳбарининг
2014 йил 22 январда
қабул қилинган «Ўзбек
Миллий академик драма
театрининг 100 йиллигини
нишонлаш тўғрисида»ги
қарори нафақат Миллий
театр, балки бутун ўзбек
театр санъати ривожига
кўрсатилаётган
эътиборнинг амалий
ифодаси бўлди



УЗУМИНИ ЕНГУ
ҲАМ
ҲАМ
СУРИШТИРИНГ!

Саховатли заминимизда
етиштирилган ноз-
неъматларнинг биз билган
ва билмаган шифобахш
хусусиятлари кўп



Фарход АБДУРАСУЛОВ (У-3А) олган сурат.



ОБУНА – 2015

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жабҳаларда кенг кўламда олиб борилаётган ислохотлардан, халқимизнинг бой маънавий мероси, анъаналари ва қадриятларини тарғиб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлардан изчил хабардор бўлиб боришни хоҳлайсизми?

Аграр соҳадаги қимматли тажрибалар, фидойи инсонларнинг ажойиб меҳнат муваффақиятлари, фан-техника, спорт ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ҳақида билишни истайсизми?

Сизни хориж деҳқончилигидаги ўзгаришлар қизиқтирадими?

2015 йил учун «Qishloq hayoti» газетасига обуна бўлсангиз, юқорида таъкидланган мавзулар билан доимий равишда танишиб бориш имкониятига эга бўласиз.

Обуна газета таҳририяти, обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул, пластик карточка орқали тўлов ҳамда пул ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда.

НАШРИМИЗ ИНДЕКСИ: 144

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ САЙЛОВЧИЛАР ИМЗОСИНИ ТЎПЛАШ ЖАРАЁНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН 2014 ЙИЛНИНГ 15 СЕНТЯБРИДАН МАМЛАКАТИМИЗ ПАРЛАМЕНТИ ҚУЙИ ПАЛАТАСИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ РАСМАН БОШЛАНГани ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Шу кунларда сайлов кампаниясининг барча босқичларида шаффоflik, ошқоралик, очиқликни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соҳага оид ҳуқуқий асосларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани бўлажак сайловларни энг демократик талабларга ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқ тарзда ўтказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар – Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси парламент сайловида иштирок этиш истагини билдирган.

Сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасига мувофиқ сайловчилар имзосини тўплаш учун белгиланган намунадаги имзо варақалари берилган.

Қонунчиликка мувофиқ, сиёсий

партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингта имзосини тўплаши зарур. Бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-ҳудудий тизимасида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳрида тўпланган имзолар сони талаб этилган умумий имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги белгиланган.

– Президентимиз раҳнамолигида барпо этилган кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатимиз асослари мустаҳкамлангани фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, сиёсий онги ошиб бораётганида ҳам ўз ифодасини топмоқда, – дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Мустафхон Султонов. – Бу фуқароларнинг бу йил бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий жараён – сайловларга бўлган муносабатида яққол намоён бўлаётган. Сайлов кампанияси бошлангани эълон қилиниши билан нафақат электротимиз бўлган тадбиркор ва фермерлар, балки кенг омманинг воқеликка катта қизиқиш билан муносабатда бўлаётгани кузатилди.

Имзо тўплаш жараёнида ҳам аҳолининг фаоллиги кўзга ташланмоқда. Чунки жуда қисқа муддатда вилоятимиздан партияимиз учун зарур бўлган имзолар тўпланди.



– Яқиндагина бошланган сайлов жараёни олдинги сайловлардан фарқ қилади, – дейди Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Андижон вилояти кенгаши раиси Комилжон Отахонов. – Чунки одамларнинг дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабати ўзгарган. Фуқароларимиз сайлов орқали муҳим ҳуқуқини амалга оширишини, бу уларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки эканини яхши билади. Бу

борада мамлакатимизда барча ҳуқуқий кафолатлар яратилгани ҳам юртдошларимиз ишончини мустаҳкамлаган. Партияларга яратиб берилган имкониятлар туфайли биз аҳолининг барча қатламларига кириб бориб, уларга яқиндан кўмаклашмоқдамиз. Бунинг самараси имзо тўплаш жараёнида яққол намоён бўлмоқда.

– Мамлакатимиздаги иқтисодий, ижтимоий барқарорлик туфайли аҳоли тинч ва фаровон ҳаёт кечирмоқда, – дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилояти кенгаши раиси Райимберган Собуров. – Бундан кўнгли тўлиб, эртанги кунга ишончи мустаҳкам бўлган фуқароларимиз юртимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга дахлдорлик ҳисси билан яшамоқда. Улар амалга оширилаётган ҳар бир ислохот эртага ўзи, оиласи, фарзандлари тақдирида ижобий мазмун касб этишини жуда яхши билади. Шу маънода бўлажак сайловларнинг юксак савияда ўтказилиши, унда сайловчиларнинг фаол иштироки мамлакатимизнинг янги марраларга етишида, жаҳон ҳамжамиятидаги ўз ўрнини янада мустаҳкамлашида муҳим аҳамият касб этади. Буни чу-

қур англаган вилоятимиз сайловчилари имзо тўплаш жараёнида фаоллик кўрсатмоқда.

– Сайлов жараёнида очиқликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари янада такомиллаштирилгани унинг юқори демократик талаблар асосида ўтказилишига кенг йўл очди, – дейди Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши раиси Камолжон Шодиметов. – Жорий йилда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари фаолиятини янада демократлаштириш, сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган партиялараро рақобатни кучайтиришни назарда тутувчи янги қонун қабул қилинган жамиятимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Янги шароитда бўлиб ўтадиган сайловларга аҳолининг қизиқиши юқори. Буни имзо тўплаш жараёнидаги уларнинг фаоллиги ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Таъкидлаш лозимки, тўпланаётган имзолар имзо варақалари топширилган, Марказий сайлов комиссияси уларнинг тўғри тўлдирилганини текширади.

Мазкур жараён бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.



Оттабек МИРСОАТОВ (ЎЗА) олган сурат.

«Samsung» LED телевизорлари ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда

Мамлакатимиз sanoat объектларидан бири – пойтахтимиздаги «Zenith Electronics» корхонаси томонидан «Samsung» савдо белгиси остида 32 дюйм диагоналли замонавий LED телевизорларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги линиянинг ишга туширилиши муносабати билан мазкур корхонада тадбир ташкил этилди.

Унда таъкидланганидек, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш орқали sanoatни ривожлантириш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқариш-

га йирик миқдордаги маҳаллий ва хорижий инвестициялар жалб этилиб, қатор истиқболли лойиҳалар амалиётга татбиқ қилинмоқда. Натижада юртимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ички ва ташқи бозорда ўз ўрнига, харидорларига эга бўлмоқда. Яратилаётган янги иш ўринлари эса аҳоли бандлигини таъмин-

лаш, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида «Zenith Electronics» корхонаси ва Жанубий Кореянинг «Samsung Electronics» компанияси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши ҳам мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ишларнинг амалий ифодасидир.

– Лойиҳани амалга ошириш учун 2,9 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритилди, – дейди «Zenith Electronics» қўшма корхонаси бош директори Фарид Абдршин. – Мазкур маблағ эвазига замонавий хориж ускуналарини келтириб ўрнатдик. Айни

пайтда маҳаллийлаштириш дастури асосида телевизорнинг 35 фоиз бутловчи қисмлари, жумладан, электрон бошқарув платаси, олд панеллари, орқа томонига қўйиладиган қопқоқлар, шнур ва тагликлари, шунингдек, пенопласт қадоқлаш буюмлари корхонамизнинг ўзида тайёрланмоқда. Яқин йиллар ичида бу кўрсаткични 50 фоизга етказиш, маҳсулотларимиз тури ва ҳажмини тобора ошириб боришни режалаштирганмиз.

LED телевизорларини ишлаб чиқаришда унинг юқори сифатлилигини таъминлаш, бежирим ва замонавий дизайнни яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Янги маҳсулотга жамланган бир қатор қулайликлар эса харидорларни ўзига жалб этиши, уларга маъқул келиши табиий, албатта.

Ҳозирда корхона кунига 400 дона телевизор чиқариш қувватига эга бўлса, келажакда мазкур қувватни 500 донага етказиш, маҳсулот диагонали ҳажмини 40 дюймга тенглаштириш кўзда тутилган. Маълумотларга кўра, 2017 йилга бориб корхонада тайёрланаётган ушбу турдаги телевизорлар сони 75 мингдан ортади.

– «Zenith Electronics» корхонаси билан автомат кир ювиш машиналарини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйган эдик, – дейди «Samsung Electronics» компанияси ваколатхонаси раҳбари Синг Сук Чой. – LED телевизорларини ишлаб чиқаришга оид қўшма лойиҳамиз эса Ўзбекистон ва Жанубий Корея корхоналари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Юртингиздаги хорижий инвесторлар учун яратилган қулай имкониятлардан самарали фойдаланиб, келгусида ҳам ўзбекистонлик шерикларимиз билан ҳамкорликда янгидан-янги лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

Тадбир сўнггида иштирокчилар янги линиядаги ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишдилар.

Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ҚАДОҚЛАШ УСКУНАЛАРИНИНГ «AGRITEK UZBEKISTAN – 2014» ҲАМДА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ «FOODWEEK UZBEKISTAN – 2014» XIX ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА

Ушбу кўргазмаларда Ҳиндистон, Венгрия, АҚШ, Болгария, Литва, Жанубий Корея, Қозоғистон, Малайзия, Россия, Исроил ва Туркия давлатларидан элликка яқин компаниялар ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти йил сайин юксалиб, халқимиз фаровонлиги ошиб бораётганида қишлоқ хўжалигининг салмоғи катта. Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида аграр соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг юксак самаралари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификация қилиш, соҳага замонавий технологияларни жорий этишда яққол намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги корхоналар қуриш, мавжудларини эса реконструкция ва модернизация қилиш мақсадида кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

«AgriTek Uzbekistan – 2014» кўргазмасида айнан қишлоқ хўжалиги юмушларида қўлланиладиган замонавий техника ҳамда тежамкор технологиялар кенг намоёниш этилмоқда. Бундан ташқари, кўргазмада иссиқхона хўжаликларидега етиштирилган мева-сабзавотларни саралаш ва қадоқлаш ускуналарининг намоёнишига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Қишлоқ мулкдорлари томонидан экинлар ҳосилдорлигини оширишга қаратилаётган алоҳида эътибор аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларини узлуксиз етказиб бериш, шунингдек, қишлоқ хўжалигининг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш имконини бермоқда.

Шу ўринда мамлакатимизда маҳсулот етиштириш агротехикасини ривожлантириш, тезпишар ва серҳосил навлар яратиш борасидаги изланишлар эътиборга лойиқ эканини айтиш жоиз. Сўнги йилларда касалликларга



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

чидамли кўплаб янги навлар яратилгани сўзимизни тасдиқлайди. Турли муддатда пишадиган сабзавот экинларининг 60 га яқин, меваларнинг 50 дан ортки, полиз экинларининг 20, картошканин 11, узумнинг 24 янги нави шулар жумласидандир.

Саховатли заминимизнинг ҳар қаричи олтинга тенг, – дейди Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Гулбоғ Бурҳон» фермер хўжалиги раҳбари Баҳромали Юсубалиев. – Серкўёш юртимизнинг кўркам боғ-роғлари ва узумзорларида етиштирилаётган шириндан-шакар меваю узумлар бутун дунё аҳлини ҳайратга солиши бежиз эмас. Чунки бизнинг ноёб ва табиий тупроқ-иқлим шароитларида пишиб етилган сархил мева-сабзавотлар дармондориларга бой. Фермер хўжалигимиз узумчилик ва боғдорчиликка ихтисослашган. Узумнинг Ризамат ота, Сўғдиёна, Хусайни каби навларини, шунингдек, олма, шафтоли, гилос, олхўри етиштирамиз. Биз, фермерларга

яратилаётган кенг имкониятлар натижасида маҳсулотларимизни хорижга экспорт қиляпмиз.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш ҳажмининг кенгаётгани озиқ-овқат саноати корхоналарини ҳам жадал ривожлантирмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда қарийб етти мингта озиқ-овқат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар ички ва ташқи бозорга сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бераётир. 2012-2015 йилларда озиқ-овқат саноатини кенгайтириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари дастури ҳамда 2012-2015 йилларда қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва уларнинг турини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастури озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Айни пайтда соҳада иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ички бозорни юртимизда ишлаб чиқарилаёт-

ган сифатли товарлар билан тўлдириш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилаётгани бу борада муҳим омил бўлаётир.

Озиқ-овқат саноати корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар тури сўнги йилларда сезиларли даражада кенгайди. Масалан, соя, махсар, кунгабоқар каби таркибида мой бўлган ўсимликларни етиштириш учун ажратилаётган ер майдонларида ёғ-мой корхоналари томонидан йилига ўртача 95 минг тонна хомашё тайёрланиб, қайта ишланмоқда. Нон ва нон маҳсулотлари тури ҳам кўпаймоқда. Айни пайтда мамлакатимиз корхоналарида уч юздан зиёд турдаги нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам катта ютуқларга эришилди. «FoodWeek Uzbekistan – 2014» кўргазмасининг экспозициясида ушбу ютуқлар ҳақида кенг тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари мазаси, юқори сифати ва чиройли қадоқлангани билан ажралиб туради, – дейди Болгариянинг «Bartlink» компанияси иш юритувчиси Петко Петков. – Шу боис, юртимизда фаолиятимизни кенгайтириш ниятидамиз. Компаниямиз 18 йилдан буён халқаро бозорда ўз мижозларига гўшт маҳсулотлари етказиб бермоқда. Келгусида ўзаро манфаатли шартлар асосида Ўзбекистонда ҳам дунёнинг турли мамлакатларига гўшт маҳсулотлари етказиб беришга тайёрмиз.

«AgriTek Uzbekistan – 2014» ва «FoodWeek Uzbekistan – 2014» кўргазмалари қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш, экспорт имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Сайдодил САЙДИСЛОМОВ,
«Qishloq hayoti» муҳбири.

ЖАҲОН БОЗОРИГА СИФАТ ТАМОЙИЛИ БИЛАН

Бунда пахта навини такомиллаштиришга қаратилаётган эътибор муҳим аҳамият касб этмоқда



Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида, хусусан, пахтачиликда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ғўзанин эртапишар, касаллик ва зараркундаларга чидамли, худудларнинг тупроқ ва иқлим шароитига мос навлари яратилди, парваришда илғор тажрибалар амалиётга татбиқ этилди, агротехнологиялар мукамаллаштирилди.

Ўзбек пахта толасининг саноатбоплиги, толасининг узунлиги, пишқиллиги, ранги ва микронейр кўрсаткичлари билан ажралиб туриши дунё саноатчилари, ишбилармонларининг унга қизиқишини тобора оширмоқда. Таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида бу борада ҳам самарали ишлар қилинди.

Биргина пахта навларини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишларни олиб қарайлик. Охириги йилларда селекция навларимиз 100 дан ортки янги ғўза навларини яратдилар. Булардан 51 таси истиқболли деб топилди, 19 таси Давлат реестрига киритилди ва фермер хўжаликларига экиш учун тавсия этилди.

Айнан сифатга қаратилган эътибор натижасида юртимизда етиштирилаётган пахта ўзининг сифати билан алоҳида ажралиб туради.

Ќўзанин янги навларини яратиш ибтидоси турли ғўза навлари, навларнинг хусусиятларини коллекция пайкалидан ҳар томонлама ўрганиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижаларига асосланиб, селекция навларимиз янги, тезпишар, пахта хомашёси технологик сифат кўрсаткичлари ва хўжалик қимматли белгиларига кўра, дунё андоза навларига нисбатан устун бўлишини кўзда тутиб иш юритишмоқда.

Мамлакатимизда бу хусусдаги илмий ишлар қатор муассасаларда олиб борилмоқда.

Жумладан, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан яратилган «С-6524», «Наманган-77», «Омад», «Хоразм-127», «Бухоро-6», «Бухоро-8», «Бухоро-102», «Андижон-35» каби ғўза навлари кейинги йилларда минтақаларда кенг майдонларга экилмоқда. Булар қаторига юқори сифатли «С-6541», «Наманган-34», «Султон», «Андижон-36», «Хоразм-150», «С-8285», «С-8286» навлари қўшилиб, фермер хўжаликларидега экишга тавсия этилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида яратилган янги «Чимбой-5018» ва «Дўстлик-2» навлари ҳам минтақа деҳқонларига манзур бўлмоқда.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида яратилган «Ан-Боёвут-2», «Меҳнат», «Бешқахрамон», «Гулбахор» навлари қаторига янги истиқболли «Навбахор» нави қўшилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ғўзадан мунтазам юқори ҳосил олиш навларининг потенциал имкониятига ва намуҳит ўзаро таъсири натижасида бўлган ташқи факторларга чидамлилигига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, селекция навларимиздан ҳар хил экологик муҳитга мослаша оладиган пластик навлар яратиш ва амалиётга татбиқ этишни талаб қилади.

Кейинги йилларда дунё бозорида толанин микронейр кўрсаткичига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўрта толали пахта навлари учун микронейр кўрсаткичининг асосий диапазони 3,5-4,6 атрофида бўлиши белгиланган. Аммо дунё бозорида пахта толасининг микронейр кўрсаткичи 4,2-4,4 бўлганда тез сотилмоқда. Микронейр кўрсаткичи 4,9 дан юқори ёки 3,5 дан паст бўлган ҳолатда белгиланган тартибда толанин нархи камайтиради.

Бу талабларни эътиборга

олган ҳолда мамлакатимиз селекция навлари пахта ҳосилини етиштиришда, биринчи навбатда, ғўза навларининг потенциал ҳосилдорлик имкониятлари билан бир қаторда, толанин жаҳон бозори талабларига жавоб беришига алоҳида эътибор бермоқдалар.

Мамлакатимиз олимлари селекция ишларини режалаштиришда иқлим шароитларини инобатга олиб, тола сифатини янада яхшилаш устида ишлашмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, толаниннинг сифати ошишида уни етиштириш технологиясининг мукамаллаштирилгани, тезпишарлигини, толаси сифатлилиги таъминлангани ҳамда ҳосилнинг мақбул муддатларда йиғиштириб олинаётгани ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Селекция навларимизнинг асосий мақсади ўзбек толасининг шуҳратини янада оширишга қаратилгандир. Уларнинг мана шундай ишлари натижасида кейинги йилларда яратилган ғўза навлари жаҳон пахта бозорида ўз нуфузига эга бўлиб бормоқда.

Ренат НАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими.

Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги олдида

МУҲИМ ТАРБИЯ
МАСКАНИ

Театр инсонларни маънавий тарбиялашга, уларнинг билим ва маданиятини бойитишга, ўзаро меҳр-оқибат, ҳурмат ва дўстлик муносабатларини ривожлантиришга хизмат қиладиган маскандир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотлар самарасида ўзбек театр санъати изчил ривожланиш йўлидан бормоқда. Ўзбек театрининг мақоми белгиланиб, театр санъатини ривожлантириш, актёрларни рағбатлантириш ҳақида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Бунинг натижасида янги театрлар ташкил этилди. Ўзбек Миллий академик драма, Ўзбекистон академик рус драма, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрлари, Андиджон, Самарқанд, Хоразм, Наманган, Жиззах вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси драма театрлари бинолари тубдан таъмирланди. Бухоро вилояти мусикали драма театри учун янги бино барпо этилди. Профессионал ижодий жамоалар, театр студиялари, ҳаваскорлик гуруҳлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Шу кунларда Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўрилмақда.

Ўзбек Миллий академик драма театри ижодкорларининг бир неча авлоди орзу-умидлари мустақиллик йилларида ушалди. 2001 йили Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан театр биноси тўлиқ реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Томошабинлар зали, сахна ва хизмат бинолари янгиланди, улар замонавий меъморлик ва техноло-

гик талабларга мувофиқ жиҳозланди. Ўзбек театрининг энг яхши анъаналарини ўзида мужассам этган ва ўнлаб атоқли актёрлар етишиб чиққан бу масканга “Миллий театр” мақоми берилди. Театрнинг айна пайтдаги ривожланиш босқичини репертуар эркинлиги, ташкилий шаклларнинг ранг-баранглиги, миллий театримиз анъаналарининг жаҳон сахна маданияти ютуқлари билан ўзаро уйғунлигида кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 22 январда қабул қилинган «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори нафақат Миллий театр, балки бутун ўзбек театр санъати ривожига кўрсатилган эътиборнинг амалий ифодаси бўлди.

Ушбу қарор юртимизда санъатга, маданиятга нақадар катта эътибор қаратилаётганининг яна бир ёрқин далилидир, — дейди Ўзбек Миллий академик драма театри директори Маҳмуд Исмоилов. — Бугун театрларнинг моддий-техник базаси тубдан янгиланиб, ижодкорлар учун барча шароитлар яратилаётир. Бундай эътибор ва ғамхўрлик жамоамизга катта масъулият юклайди, ғоявий жиҳатдан пишиқ, томошабиннинг руҳиятини бойитишга, уни ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайдиган сахна асарларини яратишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур санъат даргоҳида юбилей олдида ишлар қизғин. Театр биноси капитал реконструкция қилиниб, унга ту-

таш ҳудудлар ободонлаштирилмоқда. Бунёдкорлик ишлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурдаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмаси асосида 12-трест очик акциядорлик жамияти томонидан амалга ошириллаётир.

Театрнинг нафақат ташқи, балки ички қиёфаси ҳам ўзгармоқда. Бинонинг фасади ва том қисми қайта таъмирланди. Томошабинлар учун 540 замонавий шинам ўриндиқ ўрнатилиб, сахна тўлиқ янгиланди. “Yamaha”, “Sony” каби дунёдаги етакчи компаниялар томонидан ишлаб чиқарилган замонавий ёритиш, овоз чиқариш ва сахна жиҳозлари ўрнатилди. Томошабинлар ва репетиция залларида мақбул ҳаво ҳароратини бир маромда сақлайдиган замонавий қурилмалар ўрнатилмоқда. Сахна безаклари янгиланиб, кийиниш ва грим хоналари зарур жиҳозлар билан таъминланди. Муҳандислик-техник коммуникациялар такомиллаштирилди.

Театрнинг маъмурий биноси ҳам капитал таъмирланди. Фойега панно ва реклама лавҳлари ўрнатилди. Театр атрофи ободонлаштирилиб, яшил майсазор, автотомобиллар тўхташ жойи ташкил этилди. Тез орада Миллий театрининг кўп сонли муҳлислари мамлакатимизнинг замонавий ва мухташам санъат қошонасида бетакорор спектакллардан баҳраманд бўлади.

Айни пайтда Президентимиз қарори асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда турли маънавий-маърифий тадбирлар давом этмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим масканлари, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда театр жамоалари билан учрашувлар, мулоқотлар бўлиб ўтаётир. Ушбу мулоқотларда мамлакатимиз театр санъати босиб ўтган шонли йўл, ютуқлари ва бой анъаналари, машҳур санъат дарғалари асос солган мактабларнинг бугунги ривожига ҳақида аҳолига батафсил сўзлаб берилмоқда, шу билан бирга, спектакллар намойишлари уюштирилмоқда.

— Юртбошимиз “Бухоро маданият маркази” мажмуаси ва Бухоро вилояти мусикали драма театри янги биносининг очилиш маросимида бугунги глобаллашув шароитида ёшларимизни тўғри йўлга бошлашда фақат панду насихат билан кифояланмасликни, эзгуликни, ватанпарварликни, инсоний фазилатларни камол топтиришга хизмат қиладиган амалий ишлар кераклигини ўқитиб, бу борада театр муҳим тарбия ўчоғи эканлигини таъкидлади, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова. — Шу кўрсатмалар асосида фарзандларимизнинг маънавий дунёсини бойитиб, келажакка ишончини оширадиган, ориятини кучайтирадиган, айни чоғда давр билан ҳамнафас яшаётган фидойи инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни сахналаштиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири.



Қабристон зиёрати қалбни юмшатади, савобли ишларни кўпроқ қилишга ундайди. Дунё муҳаббатини дилдан кетказди, мактаниш ва ғурурланишни тарк этишга сабаб бўлади.

Қабристонга қираётганда бундай дейилади: “Ассалому алайкум, мўминлар ва мусулмонлар диёри ахли! Аллох таоло бизлардан ўтганларни ҳам, яшаётганларни ҳам раҳматига олсин. Иншоаллох, биз ҳам сизларга қўшиламыз” (Имом Муслим).

Қабристон ҳудудиде сокин юрилади. Дунё ташвишларини унутиб, охират ҳақида фикр юритилади. Баланд овозда гапирилмайди. Зарур сўзлар одоб билан айтилади. У ерда кулиш ва ўйнаш, таҳорат синдириш мумкин эмас.

Қабрга оёқ томонидан келиб, қиблага юзланиб ўтирилади. Қабр устига ўтириб, уни босиш ёки унга суяниш мумкин эмас. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай марҳамат қиладилар: “Сизлардан бирингиз чўққа ўтириб, кийими куйиб терисига ўтиши қабр устига ўтирганидан яхшидир” (Имом Муслим). Шунингдек, Расулulloх (саллаллоху алайҳи ва саллам) қабрга юзланиб номоз ўқишдан ҳам қайтарганлар.

Қабр зиёратидан асл мақсад охиратни эслашдир. Шундай экан, улуғ авлиёлар қабрига бориб ҳожат сўралмайди. Зеро, ўликлар ўзлари дуога муҳтож. Ҳар қандай истак ва тилак Аллохдан сўралади. Қуръони каримда айтилади: “Мен жинлар ва инсонларни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учун яратдим” (Зориёт, 56). Расулulloх (саллаллоху алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Сўрасанг, Аллохдан сўра, ёрдам тиласанг, Аллохдан тила” (Имом Термизий). Абу Бакр (розияллоху анху) ривоят қилади. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Энг катта гуноҳ ҳақида сизларга хабар берайми?” деб уч марта айтдилар. Саҳобалар (розияллоху анхум): “Ҳа, хабар беринг, ё Расулulloх”, дейишди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Аллохга ширк келтириш...”, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Баъзилар дардига шифо, фарзанд ёки бошқа ҳожатларини сўраб, қабрни тафов қиладилар, қабр панжарасига, турли нарсаларга, латта боғлаб ният қиладилар. Устун ва бурчакларини силаб, юзларига суртадилар, остонасини ўпадилар, нола қилиб: “Олднгизга умид билан узокдан келдим, дуоларимни қабул этинг” каби илтижо этадилар. Шариатимиз бундай ишлардан қайтаради. Қуръони Каримда бундай дейилган: “Аллохни кўйиб, Қиёмат кунигача ҳам (дуони) ижобат қила олмайдиган олиҳаларга дуоилтижо қиладиган кимсадан ҳам адашганроқ ким бор?! Холбуки, улар (жонсиз олиҳалар) ўша (мушрик)ларнинг дуоларидан ғофилдурлар” (Аҳқоф, 5). Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай огоҳлантирадилар: “Ким Аллохдан бошқага дуо қилиб вафот этса, дўзахга қиради” (Имом Бухорий).

Бундан ташқари, азиз-авлиёларга атаб қурбонликлар сўйиш шаръан ҳаром амаллардандир. Чунки Аллохдан бошқа учун ёки Аллохдан бошқанинг номи билан сўйилган жонлиқни истеъмол қилиб бўлмайди.

Олимлар аёлларнинг ҳам қабрларни зиёрат қилишлари, у ерда бақириб йиғлаш, ёқа йиртиш, майитлардан мадад сўраш каби шариатга зид бўлган амалларни қилмаслик шарт билан жоиз, дейишган. Чунки улар ҳам эркаклар каби ўғит ва ибрат олишга муҳтож. Ҳанафий уламолардан Хайр Рамлий (раҳматуллоҳи алайҳ): “Агар аёллар хафачилик ва йиғини янгилашса, қабристонга боришлари мумкин бўлмайди”, деб айтган.

Демак, аёллар юқорида зикри келган одобларга амал қилишса, қабр зиёратига боришларига ҳеч бир монелик йўқ. Лекин шариатга зид амалларни бажаришса, гуноҳор бўлишади. Такрор айтамыз: мусулмон барча ҳожатларини фақат ягона Аллох таолодан сўраши ва Унинг Ўзигагина ибодат қилиши шарт. Зеро, Аллох таоло: “...Бас, кимки Парвардигори билан мулоқотда бўлишдан умидвор бўлса, у ҳолда эзгу амал қилсин ва Парвардигорига ибодат қилишида ҳеч кимни (Унга) шерик қилмасин!” (Қаҳф, 110), дея марҳамат қилган.

Мунира АБУБАКИРОВА,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
мутахассиси.

(“Ислам нури” газетаси, 17-сон)

Сургарё Вилояти

ЯНГИЕРДА ЯНГИ ТУҒУРУҚҲОНА

Янгиерликлар учун бу йил шодиёналарга бой бўлди. Шаҳар марказий шифохонасида 40 ўринли барча қулайликларга эга, қайта реконструкция қилинган замонавий туғуруқхона фойдаланишга топширилди.

Икки қаватдан иборат замонавий туғуруқхонани Давлат Бердимуродов раҳбарлик қилаётган “Давр-Хумо” хусусий фирмасининг қўли гул қурувчилари бунёд этди-

лар. Айни пайтда туғуруқхона янгиерликларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

— Янги туғуруқхонанинг ишга туширилиши биз шифокорлар


учун айна муддао бўлди, — дейди Янгиер марказий шифохонаси туғуруқхона бўлимининг мудри Мўътабар Мавлонова. — Икки қаватли, замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланган бинода туғуруққа келган аёллар ва янги туғилган чақалоқлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шинам, ёруғ ва озода, хориждан келтирилган замонавий жиҳозлар билан таъминланган туғуруқхонада ишлаш кишига анчайин завқ бағишлайди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ



Узумнинг енгу

Фойдасини ҳам суриштиринг!



Юртимиз узумларининг донғи кетган. Шифога бой ушбу неъмат дастурхонимизнинг доимий кўрки. Мамлакатимизда меванинг юздан ортиқ, узумнинг эса қирққа яқин тури парваришланади. Узум ҳақида гап кетганда эса ундан тайёрланган маҳсулотларнинг шифобахш хусусиятларини тилга оламиз. Нафи катта, фойдаси кўп, деймиз. Шунинг барбарада юртимизнинг турли ҳудудлари ҳам тилга олинади – Паркент, Китоб, Олтиариқ, Чуст, Олтинсой. Бу туманлар аҳолиси узум етиштириш борасида илғор тажриба тўплашган. Энг мазали, энг яхши узумлар шу ҳудудларда етиштирилади. Мазкур ҳудудларда узумдан майиз, шинни ва мусаллас каби маҳсулотларнинг сараси тайёрланади.

“ДАРДИНГНИ ОЛАЙ ҲУЗИМ”

Узумнинг шифобахш хусусиятлари жуда кўп. Жумладан, унда нурга қарши, антиоксидант, тонусни кўтарувчи ва бошқа хусусиятларга эга 300 яқин бирикма мавжуд. Кўпчилик учун таниш бўлган пектин моддалари ва органик кислоталардан ташқари, узум таркибида С, А, В1, В2, В5, В6, В9, Е, РР, Р витаминлари, кальций, фосфор, магний, калий, темир, мис каби моддалар бор.

Узум билан доволаш амплотерапия деб номланади. Узум организмдаги моддалар алмашинувини яхшилайдди, сийдик ҳайдовчи, юмшоқ ич сурувчи ва тер ҳайдовчи хусусиятга эга. Узум камқонликда, нафас олиш йўллари шамол-

лашида, сурункали гепатитда, ошқозон-ичак трактидаги яллиғланиш касалликларида, инфаркт, инсулт каби касалликларнинг олдини олишда ажойиб профилактика воситадир. Бундан ташқари, узум буйрак фаолиятини яхшилаб, буйракда, пуфакда тош ҳосил бўлишига тўсқинлик қилади. Узумнинг яна бир хусусияти — у гипертониклар учун ҳам, гипотониклар учун ҳам бирдай фойдали. Узум истеъмол қилинганда эритроцитлар сони ошиб, қондаги гемоглобин даражаси кўтариллади. Иликнинг қон ҳосил қилиш функцияси ортади, натижада организмдаги барча тўқималар ва тизимлар кислородни яхши ўзлаштира бошлайди. Узум меваси калий моддасига бой. Шу боис, у

юрак учун жуда фойдали.

Ҳа, юртимизнинг саховатли заминиде етиштирилган нознеъматларнинг биз билган ва билмаган шифобахш хусусиятлари кўп.

ГҲЗАЛЛИК ЯРАТАДИ, ҲШЛИКНИ САҚЛАЙДИ

Бундай дейишга асос борда. Узумнинг косметик хусусиятлари ҳам мавжуд. Узум мойининг таркибида ўрни босилмайдиган йодли кислоталар, косметология учун зарур бўлган линол кислотаси бор. Шу боис, бундай ёғ терининг табиий ёшлигини узайтирган ҳолда шикастланган ҳужайраларни тикласа, фаол компонентлар терининг тонусини ошириб, унга эластиклик бағишлайди. Унинг намлантирув-

чи хусусияти юз терисини сезиларли даражада яхшилаб, майда томиларнинг деворларини мустаҳкамлайди.

Бундан ташқари, узум таркибидаги шифобахш хусусиятлар инсон организмни яшартириш хусусиятига ҳам эга.

МАЙИЗУ ШИННИ – ДАРМОНДОРИ

Узумнинг қайта ишлаш саноати учун катта хомашё манбаи эканлигини ҳаммамиз биламиз. Бунда асосан саноатбоп навлардан фойдаланилади. Бундан ташқари, узумдан шифога бой майиз ва шинни ҳам тайёрланадики, улар йил давомида дастурхонимизга файз бериб туради. Қадимги римликлар майизни юрак, жигар ва буйрак касалликлари учун ҳапдори сифатида ишлатишган экан. Юртимизда эса ушбу

Узумнинг фойдали ва шифобахш хусусиятлари ҳақида узоқ гапириш мумкин. Яхшиси гапни қисқа қилиб, уни ўзимизда синаб кўрайлик. Ҳозир айна узум пишиғи, у ҳали анча давом этади. Демак, мавсум давомида узумдан тўйиб тановул ҳаракат қилинг. Яъни узумни енгу фойдасини ҳам суриштиринг!

Малика ДОНАЕВА тайёрлади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда автомобилсозлик саноатининг жадал ривожланиб бораётгани боис, кенг ва рагон йўлларимиз ўзимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий енгил, юк ва йўловчи ташиш автомобиллари билан тўла. Бу эса барчамизнинг калбимизга гурур ва ўзгача ифтихор бағишлайди.

Ҳар куни ишга отланар эканман, кўчада автоуловларнинг кўплиги ва одамларнинг тирбандлигига гувоҳ бўламан. Кимдир эрталабдан ишга шошилган, яна кимдир бозорга, хуллас, ҳар ким ўз манзилига етиб бориш имконига эга. Бу, албатта, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, фаровон турмушимиз намунаси.

Бугун ҳам автобус бекатида турар эканман, тўсатдан бир машинадан “тақ” этган овоз эшитилди. Қарасам, тезлик билан келаётган машинанинг шинаси йиртилиб кетибди. Ҳайдовчи машинадан шошилиб тушиб, шалвираб қолган баллонни гилдирагидан ечиб, ўрнига бошқасини қўйди-да, эскисини шундоққина йўл чеккасида қолдириб кетди.

Мана шу воқеа сабаб, хаёлимдан чиндан ҳам, емирилган, яъни фойдаланиб бўлинган шиналар қаерга таш-

Мулоҳаза



ТАШЛАНДИҚ ШИНАЛАР

УНИНГ АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИГА ТАЪСИРИ ҚАНДАЙ?

ланар экан? Бунинг атроф-муҳит учун зарари йўқмикан, деган фикр ўтди.

Маълумотларга кўра, резина ёки пластмасса чиқиндилари, хусусан, автомобиль шиналари табиий шароитда парчаланиши, чириши учун 100 йилдан ортиқ вақт талаб этиларкан. Бу давр эса оддий резинага тупрокни, атроф-муҳитни зарарлаш учун керагидан ортиқ вақтдир.

Бугунги шиддат билан ривожланаётган даврни саноатсиз, замонавий техника ёки технологиясиз тасаввур этиш мушкул, албатта. Шубҳасиз, инсон

ақлий меҳнати эвазига яратилаётган бундай маҳсулотлар унинг фаровон, тўқис турмуш кечириши учун хизмат қилмапти. Бирок, масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Яъни бугунги кунда атроф-муҳит экологиясига салбий таъсир қилаётган чиқиндиларнинг маълум қисми айнан автомобиллар ҳиссасига тўғри келмоқда. Масалан, ҳар йили дунё бўйича 800-900 миллионга эскирган шиналар тўпланиб, унинг бор-йўғи 20 фоизи қайта ишланади. Бу, ўз навбатида, нафақат атроф-муҳитга, балки инсонлар саломатлигига ҳам жиддий зарар етказмоқ-

да. Шу боисдан ҳам кейинги йилларда дунё миқёсида ишлатилган автомобиль шиналарини, шунингдек, қаттиқ чиқиндиларни зарарсизлантириш ва қайта ишлашга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг энг илғор ва зарарсиз усуллари ўйлаб топилмоқда.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, мамлакатимизда чиқиндилар, умуман, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини тартибга солувчи ва ҳуқуқий асосларини белгилайдиган кўплаб ҳужжатлар қабул қилинган. Бунга мисол сифатида “Чиқиндилар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини келтиришнинг ўзи кифоя, назаримизда.

Айна пайтда уларнинг ижросини таъминлаш, хусусан, автошиналарни зарарсизлантириб, қайта ишлаш бўйича ҳам муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бунинг учун махсус жой ва ихтисослаштирилган корхоналар фаолияти йўлга қўйилган.

Аммо аҳоли томонидан ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Дуч келган жойга ишдан чиққан резина баллонларни ташлаш, шундан кейин унинг кимлар томонидан бурқситиб ёқилиши кўнгилни хира қилади.

Ҳа, ҳар биримиз атроф-муҳитга эътиборли бўлиб, зарарли чиқиндиларни тўғри келган жойга ташлаб кетмайлик. Бу нафақат ён-атрофдагилар, балки ўзимизнинг соғлиғимизга ҳам катта зарар етказди.

Нафиса РАИМКҲУЛОВА

ЁШЛАР КОРХОНАСИ

БАНК МАДАДИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлашда хотин-қизлар ва ёшларга алоҳида эътибор қаратилаётгани оилаларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, ёшларнинг мустақил ҳаёт йўлини ишончли бошлашида катта имконият яратмоқда. Бу жараёнда тижорат банкларининг ҳам ҳиссаси ошиб бормоқда.

Буни оддийгина бир мисолда ҳам кўришимиз мумкин. Жиззах вилояти Зарбдор иқтисодий касб-хунар коллежини битирган Севара Ҳасанова “Микрокредитбанк”дан 4 миллион 800 минг сўм кредит олиб тикувчилик цехи ташкил этди. Бу билан у нафақат ўзини, балки тўртта тенгдошини ҳам иш билан таъминлади.

– Эришаётган ютуқларимизнинг асосий омили тадбиркорларга эмин-эркин фаолият юритиш учун барча шароитлар яратиб берилганидир, – дейди ёш тадбиркор Севара Ҳасанова. – Имкониятларимиз кенг, имтиёзлар берилмоқда. Биргина банк хизматида кўрсатилаётган эътиборни эътироф этишни



истардим. Айниқса, эндигина тадбиркорлик соҳасига кириб келаётган биз каби ёшларга қаратилаётган эътибор тадбиркорликнинг ойдин йўлига тушиб олишимизда катта туртки бўлди. Умуман олганда, банк жамоаси ҳозир ҳам ишимизнинг равнақида нафақат сармоялари билан, балки қимматли маслаҳатлари билан ҳам фаол иштирок этмоқда.

Навбахорлик Мақсуда Хидирова эса ёш тадбиркорларга яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, “Саида-бегим келажаги” хусусий корхонасини ташкил этди.

2013 йилда Навбахор туманидаги Истиқлол саноат касб-хунар коллежини тамомлаган ёш тадбиркорнинг тикувчилик цехида айна пайтда 10 турга яқин маҳсулот тайёрланмоқда.

– Жорий йилда “Микрокредитбанк”нинг Навоий вилояти филиалидан олинган 5 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига корхонамиз фаолияти янада кенгайди, – дейди Мақсуда Хидирова. – Қўшимча

ўрнатилган 4 та замонавий тикув дастгоҳи ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш баробарида бир неча коллеж битирувчисини иш билан таъминлаш имконини берди.

Сирдарё тумани Бахт шаҳрида фаолият юритаётган “Бек текс” масъулияти чекланган жамиятида 280 нафар киши меҳнат қилади. Уларнинг 125 нафари ёшлар – касб-хунар коллежлари битирувчиларидир. Бу ерда ёшларнинг меҳнат қилиши учун барча шароитлар яратилган бўлиб, “устоз-шогирд” аъёнаси давом эттирилмоқда.


Корхонада тайёрланаётган тикувчилик маҳсулотлари харидоргир. Буни жорий йилнинг ўтган даврида корхонада 300 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлангани ва ички бозорда сотилганида ҳам кўриш мумкин.

– Ишимиз ривожига “Микрокредитбанк”нинг мадади катта, – дейди корхона раҳбари Фанишер Нормухаммедов. – Банкнинг Сирдарё вилояти

филиали кафолати билан Исом корпорацияси линияси ҳисобидан ажратилган сармояга тикувчилик дастгоҳлари, матога гул босиш ускуналари олиб келиб, ўрнатдик. Янги технологиялар ишимизнинг ривожига муҳим аҳамият касб этди. Маҳсулот ҳажми ўсди, сифати яхшиланди. Келгусида иш ҳажмини ошириб, янги иш ўринлари ташкил этишни режалаштирмоқдамиз. Уларга эса коллежни тугатган иқтисодорли ёшларни таклиф этамиз.

Сирасини айтганда, бугун “Микрокредитбанк” томонидан ёшларнинг истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, шу орқали ёшларни иш билан таъминлаш, улардаги тадбиркорлик қобилиятини ривожлантиришга устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Бунинг самараси эса ёшларнинг мустақил ҳаётдаги ойдин йўлида намоён бўлаётир.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ
Б.БЕКМУРОДОВ олган суратлар.

 Хоразм Вилояти

▼ ФЕРМЕРЛИК ФАОЛИЯТИДАН ҲИКОЯЛАР

НИЯТИ ЎЗИГА ЙЎЛДОШ ЙЎЛДОШ ФЕРМЕР

Одатдагидай тонг ёришар-ёришмас Йўлдош фермер саманини миниб, далага отланди. Бир томони Қорақум кенгликлари, бир томони Окёп кишлоғининг энг чеккасидаги паст-баландликларгача чўзилган далаларни айланар экан, ҳаёлида падари бузруквори — тўксон ёшга яқинлашган Отаназар бобо айтган сўзлар жонланди: “Ҳақиқий дехқон қайси юмушни, қачон, қандай бажариш кераклигини олдиндан хис қилиши, ер билан тиллашиши керак. Ерни боксанг, у ҳам сени боқади. Ерга зинхор бепарво бўлма, шунда эътибор, иззат-ҳурмат топасан”.

Фермер оппоқ очилган чаноқларга боқар экан, фермер хўжалиги аъзоларидан хурсанд бўлди. “Булар сувчилар оғани Ганжабой ва Отабойларнинг, тракторчи Ҳурматжоннинг меҳнати самараси” дея қувонди. “Айниқса, августда қилинган меҳнатнинг самараси яққол кўзга ташланди”. Шуларни ҳаёлдан ўтказар экан, отдан тушиб, ишчилар билан саломлашди, ҳол-аҳвол сўрашди. Сўнг пайкал бошидан бир туп ғўзадаги чаноқларни санади. Очилганларини ҳисоб-китоб қилди. Чамасидан кўнгли тўлди.

Пахта майдонларига туташ озуқа экинлари ҳам мўл ҳосил бермоқда. Кўнгли таскин топиб, фермага етиб келганида бир томонда Гулимбой ёнига Алексейни олиб, аравада молларга

озуқа ташлаётгани, Мадинахон ва Иродахонлар сигирларни соғиб, сутни катта идишларга қуяётганини кўриб, бу ерда ҳам иш кўнгидагидай кетаётганлигига қаноат ҳосил қилди. Иш юритувчи Баҳодир Иброҳимов билан бугунги режалар ҳақида фикрлашиб, саман отига минди. Нонуштага шошилмади. Фермер хўжалиги қошидаги кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарадиган корхонани бориб кўрмаса бўлмайди. Эринмади. Шу томонга йўл олди.

Йўлдош Искандаров Хоразм вилояти Хива туманидаги фидойи, заҳматкаш фермерлардан. У Юртбошимизнинг ҳозирги замон фермерлари давр билан ҳамнафас бўлишлари, фақат пахтачилик ёки ғаллачилик тармоғида

эмас, балки ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида пешқадам, айниқса, кишлоққа саноатни олиб киришда ташаббускор бўлиши зарурлиги ҳақидаги фикрларини иш фаолиятида исботлаб келмоқда. Бундан 12 йил муқаддам “Йўлдош Мажид” фермер хўжалигини ташкил этганида фермер хўжалигида 30 бош сигир бор эди. Фермер тинмади, изланди, ишлади. Кўп ўтмай, пахтачилик соҳасида ҳам ташаббус кўрсата бошлади. Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона очишга киришди. Банкдан кредит олди. Қисқа муддатда корхонанинг қўшқаватли биноси қад ростлади. Хориждан зарур жиҳозлар келтириб ўрнатилди. Мустақиллик байрами арафасида “Йўлдош Мажид” фермер хўжалиги қошида янги корхона ишга тушди. Ҳозирги кунда бу ерда бир ойда 36 тонна сут қайта ишланиб, унда сарийё, қаймоқ, қатиқ, пишлоқ, бринза каби ўндан ошиқ сут маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бу маҳсулотлардан нафақат юртдошларимиз, балки қадим шаҳарга ташриф буюраётган сайёҳлар ҳам баҳраманд бўлмоқдалар. Корхона билан ёнма-ён супермаркет дўкони, чойхона, нон тайёрлаш корхонаси ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Фермер хўжалигида ҳозир 120 бош қорамол бор. Ҳаммаси хориждан кел-

тирилган насли моллар. Соғин сизирлар 60 бошдан ошади. Паррандачилик, қўйчилик ҳам ташкил этилган. Келгусида гўшти қайта ишлаш цехи қуриш режалаштирилган. Қабул масканларига 22 тонна ғалла етказиб берилди. Пахта далаларидаги ҳосил эса 60 тоннадан зиёд бўлишидан дарак бермоқда. Фермернинг умр йўлдоши Олмаҳон, фарзандлари Қуролбек, Навбахор, Нилуфар, Мавжуда, Марҳаболар, шунингдек, 20 нафардан ошиқ хўжалик аъзоларининг мақсадлари муштарак — элга хизмат қилиш. Мана шундай эзгу ният ва ҳалол меҳнат ортдан келаётган даромад хўжалик моддий-техника базасини мустаҳкамлашдан ортиб, элга ҳам тегмоқда. Мана, яқинда хўжалик аъзоси Маҳмуджон Раҳимов намунавий лойиҳадаги янги уйга оиласи билан кўчиб ўтди. Бундан нафақат унинг ўзи, балки фермернинг ҳам қувончи чексиз бўлди.

Фермер хўжалиги дала шийпони жаннатмонанд маскан. Атрофи бог, гулзор. Сархил мевалар, қовун-тарвузлардан фермер хўжалиги аъзолари баҳраманд бўлишади, ўзлари иссиқ овқат, чой тайёрлашади. Буларнинг барчаси фермер Йўлдош Искандаровнинг фидойилигидан, жонқуярилигидан далолат.

Абдулла САФОЕВ



ДЗЮДОЧИЛАРИМИЗДА МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Хусусан, дзюдочиларимиз Дилшод Чориев, Мирзохид Фармонов, Рамзидин Саидов ва Абдулла Тангриевлар якка курашларда 1 та кумуш ҳамда 3 та бронза медалларини қўлга киритишган бўлса, жамоавий баҳсларда бронза медалига сазовор бўлишди.

Эътиборлиси, асосий даъвогарлардан ҳисобланган дзюдо ватани вакиллари Япония терма жамоасини биринчи даврадаёқ ҳамюртларимиз 3:2 ҳисо-

XVII ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ КЎНДАЛИГИ

Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида бўлиб ўтаётган XVII Осие ўйинлари қизгин паллага кирди. Қизиқарли ва муросасиз курашларда спортчиларимиз мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда.

бида мағлубиятга учратишди. Иккинчи даврада эса қозоғистонлик дзюдо усталарига имкониятни бой берди. Учинчи даврада Эрон вакиллари билан бўлган баҳсда юртимиз дзюдо усталари катта устунлик билан 4:1 ҳисобида ғалабага эришди. Дзюдочиларимиз XVII Осие ўйинларидаги иштирокини муваффақиятли якунлади. Улар ҳисобида битта кумуш ва тўртта бронза медали бор.

РАКЕТКА УСТАЛАРИДА ҲАМ БРОНЗА

Теннис бўйича эркаклар ўртасида ўтказилган жамоавий ўйинларда вакилларимиз самарали ўйин намойиш этди. Денис Истомин, Фаррух Дўстов, Санжар Файзиев ва Тимур Исмоиловдан иборат терма жамоа ярим финал баҳсларидан сўнг юртимиз тер-

ма жамоаси ҳисобига бронза медалини қўшиб қўйишди.

ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗДА КУМУШ МЕДАЛЛАР

Спорт гимнастикаси бўйича аёллар ўртасида ҳам қизгин баҳс бўлиб ўтмоқда. Ушбу мусобақаларда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Оксана Чусовитина муваффақиятли иштирок этиб, Осие ўйинларининг кумуш медалига сазовор бўлди. У 14,750 балл билан вьетнамлик рақибаси Ти Ха Тан Пинни мағлубиятга учратди. Мусобақанинг олтинчи ўрнини яна бир терма жамоамиз вакиласи Дилноза Абдусалимова эгаллади.

Эркаклар ўртасидаги мусобақаларда терма жамоамиз вакили Абдулла Азимов ҳам Осие ўйинларининг шоҳ-

супасига кўтарилди. У отда сакраш баҳсларида 14,866 балл жамғариб, кумуш медалга эга бўлди. Ушбу мусобақада япониялик Масаёши Ямомото олтин, корейлик Минсо Парк бронза медал соҳибига айланди.

ОФИР АТЛЕТИКА:

УЛУҒБЕКНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Офир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Улуғбек Алимов XVII Осие ўйинларида бронза медали соҳибига айланди. Ҳамюртимиз вазни 85 килограммгача бўлган эркаклар баҳсида штангани даст кўтаришда 164 килограмм, силтаб кўтаришда эса 205 килограмм, жами бўлиб 369 килограмм тошни юқорига кўтариб, шоҳсупадан жой олди.

Мусобақанинг кумуш медалини эронлик спортчи Киануш Рустами қўлга киритган бўлса, олтин медал хитойлик Тао Тианга насиб этди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобида бугунгача 3 та кумуш, 7 та бронза, жами 10 та медал билан XVII Осие ўйинларида 17 ўринни забт этиб турибди.

Жалолiddин ЭШНИЁЗОВ

ДЕҲҚОН ТАҚВИМИ

СУНБУЛАДА ТОНГ СОВИЙДИ, ТАРОЗИДА ТУН

Ҳаво совиди. Салкин тушди. Тунлари кишини жунжиктирувчи шабада эса бошлади. Кўпни кўрган кексалар осмонга қаради. Кейин айтишди – мезон кирди. Яна айтиб қўйишдики: сунбулада тонг совийди, тарози тугса тун...

Бу кўп йиллик кузатишларнинг, асрлар давомида донишманд халқнинг чиқарган хулосалари. Табиатдаги ўзгаришлар бурж алмашинуви билан боғлиқ. Бир неча кун олдин кўёш сунбула – бузоқ юлдузлар туркумидан тарози – мезон буржигача ўтди.

Айни кунларда эрта саҳар, тонг қоронғусида юлдузларга назар ташласангиз, тарози юлдузлар туркуми осмоннинг қоқ ўртасида турганлигини кўрасиз. Мезон шамсий йил ҳисоби бўйича еттинчи ой. 21 сентябрдан 21 октябргача бўлган муддатни ўз ичига олади. Бу ойда кун билан тун тенглашади. Шу сабаб уни мезон – “ўлчов”, “меъёр” деб аташади. Шунингдек, бу ой шамсий йилнинг ўртаси ҳам ҳисобланади.

Мезон. Меҳржон байрами айни шу кунларда нишонланади. Бу байрам тўқинлик, сероблик белгиси ҳисобланади. Наврўзда бошланган ишларнинг самараси – мўл ҳосилнинг шукронаси сифатида байрам қилинади. Деҳқонлар учун айни йигим-терим мавсуми. Ҳақонлар куз мевасини ўзишга киришса, миришкорлар мезон шамолини еган полизу сабзавот маҳсулотларини йиғиб оладилар. Деҳқонлар учун ҳам иш қизиган паллалар. Йил давомида қилинган меҳнат самараси ҳосилни

тўплашнинг айни вақти. Фаллакорлар учун эса муҳим палла – уруғни қадаш фурсати етди. Зеро, мезоннинг иссиқ кунларидан фойдаланиб, уруғни ундириб олиш керак. Майсалар туплатиб олинса, кишининг қаҳратонидан кўркмас ҳам бўлади. Боғларда кузги агротехник тадбирлар – ўғитлаш, шакл бериш ва тоқларни кўмишнинг дастлабки босқичи амалга оширилади. Жўякларни қавс ва чилла суви беришга ҳозирлайдилар. Дарвоқе, мезон шамоли ҳақида. Бу ойда эсадиган майин шабаданнинг бир қанча хусусиятлари бор. Мезон шамолини еган қовуну тарвуз, сабзавотлар киш бўйи айнинайди, узоқ сақланади. Шунингдек, уларнинг мазаси ортиб, ўзгача таъм инади. Қовунлар тўр бойлаб, шираси ортади. Бу пайтда улардан тайёрланган шинни-да шифобахш хусусиятларга бой бўлар экан. Кузги узумлар мезон кўёшида ялғовланади. Шу сабаб кексаларимиз кўп таъкидлашадик, мезон шамолини едирмай куз ҳосилини узма. Айтишларича, мезон шамолининг пахтага-да фойдаси кўп. Ундан баҳраманд бўлган гўза кўсақлари ёппасига очилиб, йигим-терим авжига чиқади.

Бу ойнинг яна бир белгиси шундаки, ҳавода оппоқ “тола”лар учади.

Тўрмисол, пахтамосол оппоқ толалар. Бу “ҳаво мезони”. Халқимиз кўп кузатишлари натижасида “ҳаво мезони”нинг ингичка, қалинлиги ҳамда кўп ёки озлигига қараб кишининг қандай келишини айтиб беришган.

Мезон тўқинлик, барака ойи. Эрта баҳор, қўйинги, йил давомида қилинган меҳнат натижасини кўриш ойи. Ҳосил байрамлари даври. Юртимизда миллий бойлигимиз, фахримиз пахтадан улкан хирмонлар яратилапти. Жаннатмонанд юртнинг сахий кузи манзаралари.

Фаллакорлар кузги дон экишни бошлаб юбордилар. Бу ойда экилган ғалла майсаси тез унади ва совуқ тушгунга қадар илдиш отиб, ўсиб қолади. Натижада киш совуғи унчалик таъсир этмайди.

Одатда, мезоннинг охирига бориб ерга шудринг тушади. Куз ёмғирлари бошланади. Шу боис, халқимиз айтдики, мезондан сўнг ёз бўлмас... Ҳикмат мазмуни яна шуни англатади: демак, мезоннинг ҳар фурсати ғанимат. Яна халқимизнинг бир ибораси бор: Мезон кирди, нақдинг қўлдан олдирма, ҳосилни йиғ, акрабгача қолдирма. Узоқ йиллик кузатишларнинг маҳсули сифатида юзага келган бу нақл шуни кўрсатади-ки, йигим-теримда пайсаллик, ортга суриш ярамайди. Бугунги меҳнатнинг қадри баланд, маҳсули салмоқли. Хали олдимизда анчагина офтобли кунлар бор. Улардан унумли фойдаланиш даркор.

Анвар БОТИРОВ тайёрлади.

○ Реклама ва эълонлар

SOTILADI:

QOQ'OZ

OFSET 55,70. 80 gr.
ETIKETKALAR uchun (UPM Finlyandiya) 80 gr.
MELOVANNAYA 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 gr.
QADOQLASH UCHUN (KRAFT) 60, 70, 80 gr.
QOQ'OZ QOPCHALAR UCHUN (KRAFT) 60,70 gr.

Shuningdek, QALIN QOQ'OZ

SYELLYULOZA 210, 230, 250, 270, 300 gr.
DYUPLYEKS 250, 300, 350 gr.

«ABSOLUTE BUSINESS TRADE» КК

xizmat ko'rsatadi

Mahsulotlar sertifikatlangan
Xizmatlar litsenziyalangan



+99895 194-00-14,

ПРОДАЁТСЯ:

БУМАГА

ОФСЕТНАЯ 55, 70, 80 гр.
ЭТИКЕТЧНАЯ (UPM Финляндия) 80 гр.
МЕЛОВАННАЯ 90, 115, 128, 148, 170, 200, 250 гр.
УПАКОВОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70, 80 гр.
МЕШОЧНАЯ (КРАФТ) 60, 70 гр.

А также, КАРТОН

ЦЕЛЛЮЛОЗА 210, 230, 250, 270, 300 гр.
ДЮПЛЕКС 250, 300, 350 гр.

Услуги оказывает:

ЧП «ABSOLUTE BUSINESS TRADE» Товары сертифицированы
Услуги лицензированы

+99898 362-91-11

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРҲИ томонидан (реестр № 005263-07, 04.09.2014 й.) Ҳамза т. Мунаввар 1-тор кўч. 7-уй манзили бўйича рўйхатга олинган «AKS SIGMA» МЧЖ (СТИР 303041374) тугатилади. Жамият давлат рўйхатидан ўтган кундан шу кунгача молиявий фаолият юритмаган (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 22.09.2014 й.даги 1-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 176-69-29 тел. орқали қабул қилинади.

“GRAND MAXIMUS” МЧЖнинг Устав жамғармаси 70 012 788 сўмдан 5 000 000 сўмгача камайтирилади.

«101» ОГОҲЛАНТИРАДИ

Халқимизда “Ҳар эҳтимолга қарши” деган ибора бор. Буни ҳар бир ишнинг охирини ўйлаб қилишга, эҳтиёт чораларини кўришга айтади. Айни шу иборани одамлар кўнликмага айлантисалар, кўпгина кўнгилсизликларнинг олдини олган бўлардилар. Хусусан, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам.

ЭҲТИЁТ ТАДБИРЛАРИ ДОИМО ЗАРУР

Оддийгина мисол сифатида оладиган бўлсак, ҳар бир объект атрофида ёнгин хавфсизлиги учун маълум жой қолдирилади. Яъни ёнгинни ўчириш учун ўтиш жойлари.

Аммо айни шу талабларга эътибор қаратилмасдан қурилган иншоотлар ҳам борки, бу ҳудудда ёнгин содир бўлганда, ўт ўчирувчиларга ноқулайликлар яратади. Ёки яна бир бепарволик оқибати – автомобилларни қўйишда ўтиш йўлларининг ёпилиб қолишини олайлик. Ўт ўчирувчилар тезкорлик билан ҳаракат қилиши лозим бўлган бир даврда йўлдан чиққан бу каби ноқулайликлар ёнгинни вақтида бартараф этишга тўсқинлик қилади.

Айни шу жиҳатларни кенг тушунтириш мақсадида ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги ишлаб чиқариш, савдо-саноат ва бошқа тармоқ масканларида ёнгин хавфсизлигига амал қилиш бўйича тушунтириш олиб боришмоқда. Аҳолининг кенг қатлами билан учрашув ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Жойларда объектларнинг режасиз қурилиши, ўтиш жойларини тўсиб қўйиш ҳолатларини бартараф этиш, автомобилларнинг нотўғри жойларга қўйилишининг олдини олиш мақсадида тегишли идора ва корхоналар, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда тадбирлар олиб борилмоқда.

Айтмоқчи бўлган фикримиз шуки, эҳтиёткорлик – хотиржам ҳаётимиз омили эканлигини унутмайлик.

Қаҳрамон ЮНУСОВ,
32-ҲЕҲҚ кичик инспектори.

“Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки жамоаси банк марказий идораси ходими Шахло Обиловага падари бузруквори **Маҳмудхўжа отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МЎЪЖАЗ ТЕХНИКА «МЎЪЖИЗА»ЛАРИ

ёхуғ унинг фойдали Ва зарарли томонлари



XXI асрда техника ва технологиянинг тезкор тарзда ривожланаётгани тараккиётга хизмат қилиши билан бирга, баъзан кишини жиддий мулоҳаза юритишга ундайди. Негаки, ҳар бир кашф этилган буюм ёки техникани яратишдан олдин мутахассислар унинг фойдали томонларини ўйлаб ишни ташкил этишади. Масалан, биз учун аввал оддийгина туюлган телефонни олиб кўрайлик.

Дастлаб унинг ривожланиш тамойиллари га гўёки шубҳа билан қаралганди. Вақт ўтган сари бу митти қурилманинг функциялари кўпайиб, турли хил кўришилари ҳам пайдо бўла бошлади. У вақт нуқтаи назаридан ва минглаб километр масофада туриб ҳам бизнинг узогимизни яқин қилгувчи, мушкулларимизни осон ечимини топгучи воситага айланди, десак муболаға бўлмайди.

Айни дамда мўъжазгина кўринган телефон бугун нафақат алоқа воситаси, балки соат, календарь, калькулятор, почта, мусиқа эшитиш, фотоаппарат, радио, телевизор, интернет, шахсий блокнот, иш жадвали ва бошқа кўпжа хизматларни бажараётир.

Бугунги кунда телефондан фойдаланиш ҳам иш унуми, ҳам вақт нуқтаи назаридан кундалик ҳаётимизда муҳим роль эгаллай бошлади. Унинг бир қатор функциялари одамларнинг, айниқса, ёшлар қизиқиши ва иштиёқининг кундан-кунга ортиб бо-

ришига сабаб бўлмоқда. Ҳар нарсанинг яши томонида ҳам меъёр бўлиши зарур. Агарда меъёр бузилса...

Митти телефоннинг "қаромат"лари, яъни унинг дисплейга катта ҳажмдаги ёзилган беҳаё, ваҳиёна ўйин ва мультфильмлар баъзи ёш болаларнинг буткул фикру хаёлини банд этиб, эрмагу овунчоғига айланаётгани ҳеч кимга сир эмас.

– Бугунги ахборот маконида дунёда кечаётган воқеа ва ҳодисаларнинг ваҳиёна кўришилари бир зумда митти қурилмада пайдо бўлиши ҳар биримизни фарзандларимиз тарбиясига нисбатан янада масъулиятли бўлишга чорлайверади, – дейди Паркент туманидаги "Хўжа" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Олмосхон Камолитдинова. – Бу нафақат уларнинг таълим-тарбиясига, балки муомала маданияти, юриш-туришига, яъни маънавиятига ҳам

таъсир этаётир. Айниқса, мўъжазгина "қути"га боғча ёшидаги болаларнинг қизиқиши ортиб бораётгани ҳар қандай кишини ўйлантириши табиий. Баъзан эса ён-атрофимизда "телефон сотиб олиб беринг", деб қархаша қилаётган ёш болаларни ҳам кўриб турибмиз.


– Мамлакатимизда уяли алоқа воситаларидан фойдаланувчилар сони ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда, айниқса, унинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Юқори Чирчиқ тумани бўлими раиси Дилшод Асқаров. – Аммо ушбу алоқа воситасидан боғча ёшидаги болалар фойдаланаётгани барчамизга янада кўпроқ масъулият юклайди. Яъни телефондаги турли хил даҳшатли ва қўрқинчли ўйинлар ҳамда ундан тарқалаётган магнит тўлқинлари болаларнинг нормал ўсиши, соғлом бўлиб вояга етишига тўсқинлик қилиши, шубҳасиз. Баъзи хориж давлатларида болаларнинг телефондан ҳаддан зиёд фойдаланиши натижасида турли хил ҳуқуқбузарликлар келиб чиқаётгани ҳақида кўп бора эшитиб, билиб турибмиз.

Бугунги кунда мобил алоқа воситасидан тарқалаётган электромагнит тўлқинлари соғлиғимизга қанчалик зарар етказиётгани ҳақида чуқурроқ мулоҳаза юритсак, унинг зарарли томонлари кишиларга, жумладан, энди ўсиб-ўлғайиб келаётган ёш болаларнинг соғлиғига, онгу тафаккурига кўрсатаётган таъсири ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги ҳақида янада жиддий ўйлашга тўғри келади.

Шифокорларнинг таъкидлашича, бу радиоалоқа нурлари ёшлар, гўдақлар миясига катта таъсир кўрсатиб, уларнинг нормал ўсиш жараёнини издан чиқаради. Яъни боланинг айни ўсиш, соғлом ва баркамол авлод бўлиб вояга етиш палласида мия ҳужайралари мобил телефон нурларидан осонгина зарарланади. Шунингдек, суяқлар ўсишдан тўхташи ва мия фаолияти тизимининг бузилишига, айниқса, ёш болаларнинг ҳаддан зиёд телефонга боғланиб қолиши, яъни кечаси кундузи ёнида туриши эса ундан ажралмаслик истагининг пайдо бўлишига олиб келар экан. Охириқибат телефондаги ҳар қандай қўрқинчли ва даҳшатли ўйинлар ҳам болалар учун одабий ҳолга айлиб қолиши мумкин.

Шу боис, фарзандларимизнинг соғу саломат, маънан ва жисмонан баркамол авлод бўлиб вояга етишига ҳар биримиз масъул эканлигимизни доимо унутмайлик.

Озод ОЧИЛОВ



БИЛАСИЗМИ? ТУМОВНИНГ ЙЎЛИГА НИМА ҲОВ БЎЛАДИ?

Ҳаво ўзгариб кунлар салқинлашган пайтда кўп шамоллаймиз. Хўш, бунинг олдини олиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим? Қуйида бу борадаги тавсиялар билан танишинг:

Ҳар кун 6-8 бўлак қора нонга лимонли ёғ суриб ейиш, қуритилган ёки янги узилган малинадан тайёрланган дамлама ичиш тумовдан халос бўлишда яхши самара беради. Дамлама кунига 2-3 маҳал, овқатдан сўнг 1 стакандан ичилади. Шунингдек, ушбу дамлама билан буғлаш ҳам тавсия этилади. Товоқ ёки кострюлкага малина дамласидан кўйиб, бошга қалин сочиқ ёпиб буғлаши ёрдам беради. Муолажани кечқурун уйкуга ётишдан олдин бажариш тавсия этилади.

1 ош қошиқ малина мураббоси, асал, ароқ (ёки коньяк) ва яримта лимон шарбатини яхшилаб аралаштириб, қоричмага бир стакан иссиқ сув солиб, кечқурун уйку олтидан ичилса ҳам тумовни бартараф этишга наф беради. Шамоллаш ўтиб кетмасидан олдин бир стакан сабзи шарбатига бир чой қошиқ асал ва бир ош қошиқ ўсимлик ёғи аралаштириб, кунига 1/2 стакандан уч-тўрт маҳал ичилса, фойдаси катта бўлади. Ушбу муолажа ҳар кун давом эттирилса, буткул соғайиб кетишга ёрдам беради.

Ўзингизда шамоллашнинг илк аломатларини сезсангиз, бир дона лимонни майдалаб кесиб, устига 2 стакан шарқисиз қайноқ сув қўйиб, 20 дақиқа тиндириб қўйинг ва бир соат давомида ичинг.

Шунингдек, турпнинг ичичи пичоқ билан ўйиб, унга тоза асал солган ҳолда иссиқроқ жойга бир кунга қўйиб қўйиш керак. Ушбу турпнинг ичидаги асал ҳар кун эрталаб уйкудан тургач, тузалгунча ичилади.

Бир дона лимон 20 дақиқа давомида духовкага қўйиб пиширилади. Пишгач, иккига бўлиб, яримтасининг шарбати сиқиб олиниб, бир стакан қайноқ сувга аралаштирилади сўнг ҳарорат тушгунча ҳар ярим соатда ичиб турилади.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Эълонлар

Ташкент ш. Чехов кўч. 21-уй 103-хонадон учун 1995 й. 13 октябрда реестр № 2-2230 рақами билан расмийлаштирилган олдидан шартномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.	Утеранный план на офис расположенный по адресу: г. Ташкент Чиланзарский р-н ул. Мухомий д. 158, выданный кадастровой службой ГУП "Служба землеустройства и кадастра недвижимости г. Ташкента" на имя Махсудова Шавката Набиевича, считать недействительным.	Утеранный Устав ООО "CHUDO LEKAR" (ИНН 207021454) зарегистрированное ИПСП при Хокимияте Чиланзарского р-на г. Ташкента, считать недействительным.
Ташкент ш. Сергели т. БТИ томонидан м-в Строитель 11-уй 48-хонадон учун Жураев Акбаржон Сафаралиевич номига расмийлаштирилган уй план ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.	ООО "DIAMOND CHICKEN" (ИНН 302344812) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского р-на г. Ташкента расположенное по адресу: ул. Абдуллаева-13, ликвидируется (протокол собрание № 4 от 24.09.2014 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: +99871 253-64-70.	Ташкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 003665-07, 03.03.2014 й.) қайта рўйхатга олинган "SHAXZODA-SARDORBEK FARM" МЧЖга тегишли устав йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
Ташкент ш. Олмасор т. ТСРЎИда (реестр № 006388-05, 15.02.2013 й.) рўйхатга олинган "DIAMOND OPTIMAL" МЧЖ Устав фонди 167 890 000 сўмдан 137 800 000 сўмга камайиши муносабати билан даъволар 627-84-80 тел. орқали қабул қилинади.	Ташкент ш. Учтепа т. ТСРЎИ томонидан (14.02.2011 й., реестр № 004224-01) рўйхатга олинган "NEW DIZEL PLUS" МЧЖ (ИНН 301843421) Устав фонди 349 335 250 сўмдан 209 820 450 сўмга камайганлигини маълум қилади. Тел.: 627-72-10.	Ташкент ш. Чиланзор т. ҳокимлиги ҳузурдаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "BARAKA METAL INVEST" МЧЖнинг (ИНН 301469729) устав жамағамаси (таъсисчилар йиғилиш баённомасига асосан) 13 702 749 сўмдан 4 500 000 сўмга камайтирилади.
Ташкент шаҳар "Сувсоз" ДУК томонидан Икрамов Доһиёр Хайруллаевич номига эшик ва қулфларни муҳрлашда фойдаланиш учун берилган № 8 рақамли муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.	ООО "ISHONCH" объявляет (решением общего собрания учредителей от 24.09.2014 г.) сообщает об уменьшении уставного фонда с 30 375 900 сум до 6 046 400 сум. Претензии принимаются в течение 30 дней с момента публикации данного объявления по адресу: г. Ташкент Чиланзар-16 д. 14 кв. 25. Тел.: 276-53-09.	Олмасор қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳунар коллежи томонидан 2009 й.да Исмаилова Мария Валерьевна номига берилган К № 729867 сонли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.
ООО "TRADE SAME BUSINESS" (ИНН 302971594, реестр № 009057-04, 06.06.2014 г.) объявляет об уменьшении уставного фонда с 15 000 000 сум до 4 400 000 сум. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент М.У. Лутбекский р-н ул. Узбекистон Овози, 2.		ИП ООО "TASHKENT TRANS AVTO" сообщает об уменьшении уставного фонда с 10 564 740,21 долл. США до 5 564 740,21 долл. США. По интересующим вопросам просим обращаться по адресу: г. Ташкент Сергелийский р-н ул. 2-ой тулик Олтин Водий, 60. Тел./факс: 241-06-33.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси Агроеконоат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирилик ва идоралар.

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Шухрат ТЕШАЕВ, Улугбек УЗОКОВ, Содикжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдивахоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Баҳодир ХОЛИҚОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қоракалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 401-29-59; Жиззах — (+99890) 310-06-99; Навоий — (+99891) 332-00-88; Наманган — (+99890) 278-95-87; Фарғона — (+99890) 407-76-03; Самарқанд — (+99893) 994-57-08; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар:
236-26-50,
233-28-04.

ISSN 2010-7023
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи муҳаррир:
Ш.Йўлдошев
Мусаҳҳих:
Н.РАЙМУҚУЛОВА
Дизайнер:
Ф.ТОИРОВА